

Судланган Б.М.дан жабрланганнинг қонуний вакили М.А. фойдасига 4.000.000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.М. 2018 йил 31 июль куни соат 13⁴⁵да [REDACTED] хонадони олди қисмидаги гулзор ёнида танишлари С.Ғ., О.А. ва Р.Т.лар билан бирга С.Ғ.нинг ўғлини туғилган кунини нишонлаб, кабоб пишириб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиришиб, О.А. ҳақорат қилгани учун у билан жанжаллашиб кетиб, стол устида турган сихни кўлига олиб, О.А.нинг бўйин соҳасига бир маротаба уриб, уни қасдан ўлдирганликда айбли деб топилган.

Судланган Б.М. кассация шикоятда, уни 2-гурух ногирони эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги ва оилавий аҳволини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгиллик беришни сўраган.

Жабрланганнинг қонуний вакили М.А. ўз эътирозномасида шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раиси ўринбосари Ф.Ғаниевнинг маърузасини, прокурор Ж.Дадажоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Б.Сатторовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.М.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Судланган Б.М.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг судда қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланганнинг қонуний вакили М.А., гувоҳлар Х.Х., Ф.Х., Х.И., С.Ғ. ва Р.Т.нинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, суд-тиббий, суд-биология, суд-криминалистика ва суд-психиатрия экспертизалари хулосалари, фотосуратлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, Б.М.нинг шахси, оилавий аҳволи, қилмишидан пушаймонлиги ҳамда бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ўзи айбланган моддаси санкцияси



доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келгани сабабли шикоят важлари билан келишиб бўлмади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати Б.М.га оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг келтирган кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490, 496, 506, 509-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

█ га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2018 йил 6 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг келтирган кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	/имзо/	Ф.Ғаниев
Ҳайъат судьялари:	/имзо/	Т.Мирзаев
	/имзо/	Б.Эргашев

Ажрим нусхаси аслига тўғри, вилоят суди раисининг ўринбосари	Ф.Ғаниев
---	----------

